


Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти, 2021 йил 15 март
https://uza.uz/uz/posts/temuriylar-memorchiligi-sanati-bilan-bogliq-shoh-asar-erondagi-eng-kop-ziyosat-qilinuvchi-tarixiy-maszhiddir_248979

Жон ва ақлни яратган зот номи билан бошлайман

ЭРОНДАГИ ГАВҲАРШОД МАСЖИДИ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ШОҲ АСАРИ



Санъат осойишталик ва камолотга эришиш йўлидаги гўзал бир яратувчиликдир. Кўзни қувнатадиган рамзларга тўла санъат турларидан бири ҳам меъморчиликдир. Ушбу нафис санъат Темурийлар даврида сезиларли даражада тараққий топиб, у даврдан машҳур меъморчилик санъати

намуналари ёдгор қолган. Темурийлар даври меъморчилик санъати шоҳ асарларидан бири Эрондаги Гавҳаршод масжидидир.



Гавҳаршод масжиди жанубий айвони деворида сулс хатида битилган битик матнида келтирилишича, бу масжид хижрий-қамарий 821 – милодий 1417 йили, яъни олти юз йилдан кўпроқ вақт олдин темурий ҳукмдор Шохрухнинг умр йўлдоши Гавҳаршодбегим кўрсатмаси ва ёрдами билан бино этилган.

Гавҳаршод масжиди 9400 метр квадрат майдонда тўрт айвонли масжидлар тарҳи асосида тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб, унинг атрофидан тўрт катта айвон, етти катта шабистон (усти ёпиқ кўп устунли макон) ва олтига кириш эшиги жой олган. Мазкур масжиднинг қурилиши ўн икки йил атрофида давом этган.



Гавҳаршодбегимнинг исми ушбу масжид биносининг икки жойида нақшинкор кошнлар ёрдамида битилган. Ушбу битиклардан бири кумушранг эшикнинг юқори қисмида, иккинчиси жанубий айвон деворида Гавҳаршодбегимнинг ўғли Бойсунғур қўли билан чиройли ёзувда битилган. Масжид меҳроби жудаям гўзал бўлиб, мрамартошдан қурилган.

Ушбу бино «темурий» деб номланувчи меъморий услубда қурилган бўлиб, меъморнинг номи Устод Қавомиддин Шерозийдир. Ўша давр миниатюра ва меъморчилик санъатларида қўлланувчи асосий бўёқлардан ҳисобланган ложувард, қизил ва сариқ ранглар ушбу санъат шоҳ асарига икки чандон жилва ва гўзаллик бағишлаб турибди.

Ўзбекистоннинг азиз санъатсевар халқи ва барча санъаткорларини вужудга келган биринчи қулай фурсатда Эрондаги энг кўп томоша қилинувчи тарихий масжид ҳисобланган Темурийлар даври меъморчилик санъатининг ушбу шоҳ асарини келиб кўриш ва томоша қилишга таклиф қиламиз.

Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ
Эрон Ислам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси

Милодий 2021 йилнинг 9 мартига тўғри келувчи хижрий-шамсий 1399
йилнинг 19 эсфанди.

